

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил махсус сон



Адабиётлар таҳлили. Қуръонда қуй, мусиқа, қўшиқ, ва унинг ҳукми ҳақида аниқ оятлар йўқ. Мусиқанинг ҳукми Имом Ибн Қутайбанинг “Ар-руҳсату фис-самоъ”, Имом Қамолуддин Жаъфарнинг “Ал-Имтоъ би аҳкомус-самоъ”, Абул Қосим Қушайрийнинг “Рисолаи Қушайрия”, Имом Аҳмад Ғаззолийнинг “Бавориқ ул-илмоъ фис-самоъ”, Имом Заҳабийнинг “Рисолатур рухсати филиғинаи ват-тараф”, Ҳофиз Саъид Андалусийнинг “Китобу тажвизис-самоъ”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Китоб ус-самоъ”, Абу Бакр Колободийнинг “Ат-таъарруф” асаларида акс этган.

Мусиқа тасаввуф маросими сифатида Е.Бертельс [1.] тадқиқотларида таҳлил этилган бўлса, тасаввуфнинг мумтоз мусиқага таъсири муаммоси А.Хисматуллин [2.], К.Эрнест [3.], С.Наср [4.], М.Степанянц [5.], А.Смирнов [6.], И.Носиров [7.] тадқиқотларида ўрганилган.

Ислом ва мусиқа масаласи хорижда П.Бакер [8.], Г.Франсиско [9.], Э.Нойбауэр [10.], Ф.Шеҳади [11.] А.Шилаиҳ [12.] каби тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилмоқдаки, буни тақиққа қизиқиш деб баҳолаш ўринли.

Методлар. Мақолада илмий билишнинг объективлик (холислик), тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, системалик, герменевтика, интерпретация, концептуал таҳлил усуllibаридан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Инсон диний амалларни бажариши, яъни иймон келтириши, намоз ўқиши, рўза тутиши, закот берниши, ҳаж амалларини бажарища ўша амалнинг мағзини тушунниб олиши учун унинг нимадан иборат эканини англаши лозим. Аксарият тушунмовчиликлар моҳиятни англамаслик оқибати бўлиб, мусиқа ҳам шулар жумласидандир. Мусиқа борасидаги зиддиятлар холис маълумот етарли эмаслиги натижасида юзага келган. Ҳар бир оят ўзидан кейинги оят билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, оятларни умумий маъно (контекст)дан ажратиб, талқин этиш кўплаб мунозара ва тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Ислом ва мусиқа масаласидаги мураккабликнинг ибтидоси ҳам шу ердан бошлиланади. Қуръонда “Эй имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган покиза нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зоро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтиирмайди” [13.87.] дейилган.

Қуръонда мусиқа санъатига бўлган муносабат тўғридан-тўғри (очик) билдирилмагани учун инсон фигратида азалдан мавжуд бўлган мусиқага қизиқиш сўнмаган. Аксинча, тақиқ қанча кучайса, унга интилиш шу даражада кучли бўлган. Исломда мусиқага бўлган қаршиликнинг биринчи сабаби ўша давр сиёсий-мафкуравий (кўпхудолик, зардўштийлик, яҳудийлик, христианлик) ҳамда маданий (бошқа динлардаги мусиқа эркинлиги, мусиқий маросимлар) ривожи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, ислом динини ҳар қандай бидъатдан ҳимоя қилиш, дин софлигини сақлаш, мусиқага берилиши олдини олиш бўлган. Ислом дини қарор топгунга қадар мусиқа бошқа санъат турлари каби бошқа динларнинг руҳи ва ғоясини ифодалаб, уларнинг тимсолларини намоён этган. Ислом дини кириб келгач, фақат тасвирий санъат ва мусиқага нисбатан қатъий шаръий тақиқ қўйилган. Бу жараёнлар исломда мазҳаблар вужудга келиши билан янада қатъийлашган. Ҳар бир мазҳаб мусиқа ва тасвирий санъатта Қуръон ва ҳадис асосида муносабат билдирган. Мусиқага доир қарашлар фикҳ, тасаввуф ва мусиқага оид ёзилган асаларга манба бўлган. Мазҳаблар ўргасидаги номувофиқликлар ислом ва мусиқа муносабатларини яна ҳам чигаллаштирган. Бир масалага ҳам ҳалол, ҳам ҳаром, ҳам жоиз, ҳам мубоҳ деб фатво берниш ёндашиш янги иктилофга йўл очган: “Шайтоннинг овози” қайси дейилганда Абу Бакр Сиддиқ “мусиқа ва қўшиқ”, Ибн Аббос “қўшиқ ва най”, Ҳасан Басрий “най ва доира”, Қуртубий ибн Касир “қўшиқ” дейишган. Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Имом Аҳмад Ҳанбал қўшиқнинг қалбда нифоқни ўстириши шунинг учун дарҳол тарқ этиш лозим бўлган гуноҳ эканини



2. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.2 том. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018.452 б.
3. Кодиров.Н.М. Ўзбекистон ёшиарида ахборот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Самарқанд. 2021.

ИСЛОМДА МУСИҚАГА МУНОСАБАТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ

Исақова Замирахон Рухитдиновна

Наманган давлат университети

фалсафа фанлари номзоди, доцент

тел: +99891 3628937 e-mail: ms.outstanding@mail.ru

Аннотация. Мақолада мусиқанинг ихтилофлари, далиллари, тағовутлари, тақиқлари, қаршиликларининг асл сабаблари концептуал таҳлил қилиниб, мусиқанинг инсон руҳияти билан ўзаро боғлиқлиги илмий исботланган.

Калим сўзлар: дин, ислом, фалсафа, мусиқа, оят, даил, ҳалол, ҳаром, мубоҳ, инсон руҳияти, зикр, куӣ, қўшиқ, қадрият.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПОДХОДА К МУЗЫКЕ В ИСЛАМЕ

Исақова Замирахон Рухитдиновна

Наманганский государственный университет

кандидат философских наук, доцент

тел: +99891 3628937 e-mail: ms.outstanding@mail.ru

Аннотация В статье дан концептуальный анализ первопричины противоречий, аргументов, разногласий и запретов музыки, научно доказан взаимосвязь музыки с человеческой духовности.

Ключевые слова: религия, ислам, философия, музыка, аят, доказательство, харам, халяль, мубах, человеческая духовность, зикр, мелодия, песня, ценность.

CONCEPTUAL ANALYSIS OF APPROACH TO MUSIC IN ISLAM

Isakova Zamirakxon Rukxitdinovna

Namangan State University

Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor

tel: +99891 3628937 e-mail: ms.outstanding@mail.ru

Annotation. The article gives a conceptual analysis of the root cause of contradictions, arguments, disagreements and prohibitions of music, scientifically proved the relationship between music and human spirituality.

Key words: religion, Islam, philosophy, music, ayat, proof, haram, halal, mubah, human spirituality, dhikr, melody, song, value.

Кириш. Мусиқанинг илоҳий олам билан уйғунлиги масалалари Шарқ фалсафаси, жумладан, ирфон фалсафасининг марказида бўлган. Мусиқа юксак маънавий мақомларга кўтарилиш, камолотга эришиш, Аллоҳга етишиш воситаси бўлиб, инсон танаси, жони ва руҳига кучли таъсир этади. Инсон томонидан басталанган мусиқа илоҳий мусиқанинг акси, андозасидир. Зеро, борлиқнинг Яратувчиси, борлиқни ҳаракатлантирувчи Аллоҳдир. Мусиқа Аллоҳнинг инсонга берган буюк инъомидирки, ориф қалбида илҳом чашмаларининг кўзи очилади ва оҳанглар унинг қалбига нур бўлиб қуилиб, ҳеч ким эшитмаган ва ҳеч ким илғамаган оҳанглар уйғунлиги кашф этади. Шунга кўра, мусиқа орифнинг гизосидир.



таъкидлашган бўлса, Умар ибн Абдулазиз “қўшиқнинг шайтондан бошланиши, Имом Шофеъий” қўшиқнинг фисқ амал экани ва у билан гувоҳлиги қабул қилинмайдиган ақли ожиз кишилар машғул бўлишини қайд этишган. Мусиқага салбий муносабат эса жамиятда бутунлай ўзгача қабул қилинган. Базмлардаги мусиқа ижроси диний томонидан қаттиқ қораланса ҳам, аввалига бундай базмлар яширинча ўтказилган бўлса, кейинчалик ошкор ўтказиладиган бўлган. Натижада фақиҳлар инсон ҳаётида мусиқа билан тўқнашадиган турли вазиятларни ҳисобга олган ҳолда маҳсус ҳукмлар ишлаб чиқишган. Унга кўра, мусиқа тўрт қоидага бўйсунган ҳолда ижро этилиши белгиланган: ҳалол (шариатга мувофиқ), ҳаром, мубоҳ ва макруҳ. Дин билан боғлиқ бўлган, яъни Куръон ўқиши, азон чақириш, ҳарбий мусиқа кабилар қонуний рухсат этилган бўлиб, мусиқа санъатининг шакллари сифатида тан олинган.

Куръонда “Аллоҳ энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган китоб этиб туширап. Ундан Роббилиридан қўрқадиганларнинг терилари тиграп. Сўнгра уларнинг терилари ва қалблари Аллоҳнинг зикрига юмшар” [14.23.] дейилган. Оятларни тафаккур қилиш билан мусиқа ва ашула эшитиш орасида зиддият аввало, “мусиқа ва қўшиқ шайтон нағмаси” экани, қалб учун Куръон ва оятлар ҳақидаги тафаккурга йўл бермаслиги ҳамда қалбда Куръон ва нағма бирга жам бўлмаслиги билан изоҳланади.

Ахмад ибн Ханбал ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, Мухаммад (с.а.в.) дедилар: Дарҳақиқат Аллоҳ мени оламларга раҳмат ва тўғри йўлда қилиб юборди ва менга най ва каннара (торли чолғу) созларни ... четлаштиришни буюрди”. Ҳадисга асосланган ханафий ва ханбалий мазҳаби олимлари мусиқани “макруҳ” деб баҳолаган бўлсалар, улардан бошқа баъзи ханафий, моликий ва шофеъилик мазҳаби олимлари эса шунчаки дилхушлик мақсадидан йироқ бўлган, жант ва карвонда чалинадиган ноғора “мубоҳ”, никоҳни эълон қилиш мақсадида чалинадиган “даф” (ноғорага ўхшаш соз)дан фойдаланиш “мандуб” ва “мустаҳаб” амал ҳисобланган. Никоҳдан бошқа хурсандчилик ва мамнуният маросимларида ҳам “даф” чолғусидан фойдалаништавсия қилинган.

Саҳобалар шеър айтар, баъзан шеърларини оҳанг билан айтар эдилар. Саҳобаларнинг самоълари Куръон бўлган [15.232.]. Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисда “Қиёматга яқин ислом умматида шундай одамлар бўладики, улар эркакларга олтин тақиши ва шойи кийишига рухсат беришади, шароб ва мусиқани ҳалол дейишиади ва ижозат беришади” дейилган.

Ҳанафий олим Ибн Обидийн “Раддул-мухтор” китобида Набий (с.а.в.) Куръон қироати, жаноза, урушга бориш ва зикр чогида овозни кўтаришни ёқтиргмаганини қайд этиб, “Энди уларнинг қўшиқ чогидаги важд ва муҳаббат деб номлаган ҳолатларини нима деса бўлади?! Албатта, бу макруҳдир! Динда унинг асли йўқдир!” деб қатъий ҳукм чиқарган.

Ахлоқ доирасидан ташқаридағи сўзлар қатнашган, фитнага сабаб бўладиган, зино ва фахш ишиларга, гуноҳга бошлийдиган, намоз ва бошқа фарз ҳамда вожиб амалларни тарқ қилишга сабаб бўладиган қўшиқларни тинглаш жоиз эмас. Бу иллатлардан холи мусиқани дам олиш мақсадида эшитиш макруҳ ёки мубоҳ деб баҳоланган. Демак, инсонни гуноҳ ва зинога бошлийдиган қўшиқларни эшитиш мумкин эмас. Мехр-шафқат, ота-онага хурмат ва яхшиликка йўлловчи мусиқаларни эшитиш мубоҳдир. “Аллоҳ таоло бандаларига кўриш учун кўз берди, ҳид билиш учун бурун ато қилди, қўл берди, оёқ берди. Кўз ҳам, қулоқ ҳам дунёдаги неъматлардан фойдаланади, қулоқнинг роҳати эса, гўзал оҳангларни, яхши суҳбатларни эшитишадир, қулоқнинг неъмати яхши нағмалар, яхши ашулалардир, шундай экан, нима учун биз мусиқани ҳаром деб ҳисоблаймиз?” [16.162.].

Куй, қўшиқ, нағма тинглашига қаршилар:

Абу Ҳомид Газзолий “Мукошафат ул-қулуб” асарининг “Чолғу (мусиқа тингламок)” фаслида Абу Тойийб Табарийнинг сўзларини келтирган: “Эркак кишининг



номаҳрам аёлдан қўшиқ тинглаши жоиз эмас. Халқни тўплаб, чўрисига қўшиқ айттириб, базм берган эркак ақлсиздир” [17.440.].

Имом Молик қўшиқ тинглашни қатъиян тақиқлаган: Бирон кимса чўри сотиб олса, сўнгра унинг қўшиқчи эканини кўрса, этасига қайтариб бериши лозим. Саъд ибн Иброҳимдан бошқа ҳамма мадиналиклар шу фикрдалар.

Куй, қўшиқ, нағма тинглашини мубоҳ деб айтганлар:

Қози Абу Толиб Маккий қўшиқ тинглаш мубоҳ эканини нақл этган: Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сафдошларидан Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Муғирийа ибн Шуъба, Муовия ва бошқалар қўшиқ тинглаганлар. Қадимда яшаб ўтганлардан, саҳобалар ва тобеъинлардан бир қанчалари ҳам мусиқа тинглашда айб кўрмаганлар... Ҳижозликлар Маккада бизнинг ёнимизда, йилнинг энг фазилатли кунларида қўшиқ тинглашдан қочмаганлар. Масалан, Ҳақ номини зикр этиш буюрилган Қурбон ҳайити кунларида одамларнинг кўпчилиги қўшиқ тинглар эди. Маккаликлар каби мадиналиклар ҳам қўшиқ эшитишган. Ибн Атонинг қўшиқ айтадиган икки чўриси бўлиб, дўстлари ҳам унинг қўшиғига қулоқ тутишарди. Солим ўғли Абу Ҳасандан “Қўшиқ тинглашга нима дейсиз?” деб сўрашганида, у: “Мендан яхшироқ кишилар уни жоиз (эшитса бўлаверади) ҳисоблашар ва тинглашар эди. Шундай бўлгач, мен нима дея оламан?” [18.441.] дейди.

Ибн Журайж чолғу тинглаш борасида бетараф бўлган. Ундан: “Бу қиёматда яхши амалми ёки ёмон амалми?” деб сўраганларида, у: яхши амал ҳам ҳисобланмайди, ёмон амал ҳам, чунки у беҳуда сўзларга ўхшайди: “Аллоҳ сизларни (тилингиз учида айтган) беҳуда қасамларингиз учун жавобгар қилмайди” [19.225.] деб жавоб берган.

Мусиқанинг ҳалоллигига шиора қилинган оятлар. Қуръонда “Бас, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларгина равза (жаннат)да шодланурлар” [20.15.], “Албатта, жаннат аҳли бу Кунда (роҳат ва фарогат) иш(лари) билан шод-хуррамдирлар” [21.55.] дейилган. Муфассирлар Яхё ибн Касир, Авзойй ва Вакиль оятдаги “шодланурлар” сўзини “завқ ва қўшиқ” деб тафсир қилишган. Олимлар оятнинг бу тафсиридан келиб чиқиб, мусиқанинг умумий маънода “мубоҳ” эканини таъкидлашган [22.328.]. Маҳмуд Замахшарийнинг “Тафсир ул-кашшоф” асарида юқоридаги оятга бир ҳадис илова қилинган. Унга кўра, Пайғамбар (с.а.в.) жаннат неъматларининг васфини келтирганларида, қавмдан бир киши: “Эй, Аллоҳнинг Элчиси, жаннатда ҳам мусиқа тинглаш борми?” деб сўрайди. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) “Ҳа, эй аъробий... бу жаннат неъматларининг афзалидир” деганлар.

Мусиқанинг ҳаромлигига шиора қиладиган оятлар. Қуръонда “Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳ йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олурлар. Ана ўшалар учун хор қилувчи азоб бордир” [23.6.] дейилган. Муҳаммад Ҳусайний Таботабоий оят тафсирида хурофий ҳикоялар, одамни фисқ-фасодга етаклайдиган асарлар ўқиш ёки қўшиқ тинглаш, ҳаяжонли ўйин-кулги ва бошқа чолғу асбоблари каби инсонни Ҳақ таолодан чалғитиб ўзига машғул қиладиган ҳар бир нарса “беҳуда сўз” [24.313.] дейди. Оятдаги “беҳуда сўз”дан мурод чўрилар томонидан куйланган “гино”дир [25.490.]. Бу оят шарҳида мусиқанинг ҳаромлиги ҳақида гап кетган, деган фикрлар Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Ибн Аббос (р.а.)нинг “оятдаги “беҳуда сўз” қўшиқдир” деган сўзлари билан далилланиб, фино, яъни тингловчида қувонч, ҳаяжон ва ўйнаш ҳиссини пайдо қиладиган ҳамда айш-ишират, ахлоқсизлик ва беҳуда ўйин-кулги йигинларига хос ва муносиб бўлган айрим қўшиқ ва оҳанглар ҳаром қилинган. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, беҳуда сўзни сотиб олурлар...” [26.194.].

Баъзи оҳанг ва қўшиқларнинг ҳаром эканлигига асосий далил-исбогт Қуръоннинг “Фурқон” сураси, 72-ояти, “Ҳаж” сураси 30-ояти, “Мўъминун” сураси 3-ояти ва “Луқмон” сураси 6-ояти деб



дедилар: "Набий (с.а.в.) Мадинаға кириб келган кунлари олдиларида ногора чалинди. Шунда Абу Бакр қарши бўлгандилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Уларни кўй, эй Абу Бакр, токи яхудийлар динимиз гўзаллигини кўриб қўйсинлар" дедилар. Улар (жориялар) ногорани уриб, "Биз Бану Нажжор қизларимиз, Муҳаммадга қўшни бўлганимиздан хурсандмиз" деб куйлай бошиладилар".

Юқоридаги ҳадислардан англашиладики, бирорта сахиҳ ҳадисда Муҳаммад (с.а.в) мусиқани "ҳаром" деганлари ёки эшитмасликни буюрганлари, ўзлари эшитишдан бош тортганлари ҳақида айтилмаган. "Тазкират ул-ҳамдуния"да келтирилишича, Абу Ҳанифа ва Саврийдан қўшик ҳақида сўралганида "Кабоирдан ҳам, ёмон сағоирдан ҳам эмас" дейишган.

Мусиқанинг ҳаромлигига далолат қиласиган ҳадислар. Имом Аҳмад ривоят қилишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: "Роббим азза ва жалла менга ҳамр, қимор, дўмбира ва қўшик айтишини ҳаром қилди".

Шайх Албоний (р.а.) дейди: "Фино (ашула)нинг барчаси ҳаром деб айтилмайди. Балки уларнинг ичларидан аёлларнинг қад-қомати, уларнинг ҳаракатлари ва бошқа шунга ўхшиган нарсаларни таърифлган ашулалар бўлса, улар қатъий ҳаромдир. Аммо ўшандай ҳаром нарсалардан ҳоли бўлган ашула бўлса, унинг кўни макруҳдир (яъни шунга берилиши яхши иши эмас). Аммо чолгу асбоблари "ҳаром"дир.

Ҳанбалий мазҳабига мансуб баъзи тоифалар мусиқани "ҳаром" деб биладилар. Ҳанафий мазҳаб уламолари мусиқа асбобларининг барча турини "ҳаром" дейишган. Фақат тўйда, яъни никоҳ тўйида чалинадиган доира билан жангда чалинадиган дўмбириани "ҳалол" дейишган.

Ибн Обидин фикрича, ҳар қандай беҳуда ишлар, ҳаракатлар, уни томоша қилган, эшитганлар макруҳдир. Аллома "ҳар қандай беҳуда иши" деганда рақс, масҳарабозлик, тор, танбур, барбад, рубоб, қонун, сурнай, чанг, карнайнинг барчасини макруҳ ҳисоблаб, уни "коғирлар одати" деб баҳолаган. Доира ва сурнай овозига қулоқ солиб, тинглаши ва булардан бошқаларини ҳам эшитиш ҳаром экани, агар уни қўйқисдан, беихтиёр эшитилса, узрли бўлишини таъкидлаган.

Куръонда "(Эй инсон,) ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки, қулоқ, кўз ва дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) саволга тутилур" [33.36.] **дэйилганки**, инсон Аллоҳ ҳузурида эшитган, кўрган, қалб билан қилган ҳар бир учун иши учун, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, саволга тутилади. Шунинг учун инсон одоб-ахлоқ ва шариат чегарасидан чиқмаган амални бажариши тўғри бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Мусиқа ҳозирга қадар дин, фалсафа, тасаввуф билан ўзаро боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиб, турли қарашлар таъсирида ижобий (эркинлик, мафқура, ибодат маросимлари) ёки салбий (тазиқ, чеклов, тақиқ) муносабат билдирилган. Куръонда соз, мусиқа, қўшиқ, мусиқа маъносини билдирадиган, унинг хукмларини баён этадиган оят аниқ келтирилмаган. Айрим оятлар борки, тафсир олимлари ундан мурод "мусиқа" эканини айтиб, мусиқа ҳақидағи ўз қарашларига далил сифатида келтиришган.

2. Ислом динида мусиқанинг таъқиқланишига биринчи сабаб, унинг бошқа динларга ўхшамаслиги, яъни диндорларни мусиқа билан ҷалғитиб, диннинг таъсир кучини сусайтилмаслик, эътиқодни мустаҳкам қилиш бўлса, иккинчи сабаби ислом динидаги маросимларни ҳар қандай "дунёвий унсур"лар билан бузишдан саклаш бўлган. Мусиқанинг таъқиқланишига учинчи сабаб инсоннинг жони, ақли ва руҳини муҳофаза қилиш эди. Мусиқани шаароб билан таққосланса, уларнинг ҳар иккиси бир вазифани бажариши англашилади: мусиқа руҳий нарсалардан ҷалғитади, вақтинчалик завқ манбаи бўлиб, тингловчи вақтини қандай ўтказганини билмайди, ибодатдан ҷалғийди, ўзининг кимлиги, нима учун яратилганини унугади. Бу вақтда инсоннинг маънавий ривожланиши тўхтайди ва руҳий таназзул бошиланади. Тўргинчи сабаб, ислом мусиқанинг инсон онгиши "маст" қилиши сабабли ҳаром қилган. Олимлар



мусиқанинг инсон вужуди, онги, руҳиятига таъсирини ўрганиб, юрак уриши, хавотир, ҳаяжон, шаҳватга интилишга олиб келишини аниқладилар. Ислом бунинг олдини олиш, инсонни гуноҳдан авайлаш мақсадида бир мунча вақт тақиқ кўринишида тўсиқ яратишта эришган.

3. Бутунги кундаги инсон руҳиятидаги инқирозлар, касалликлар, оломон маданиятининг ҳар қандай кўринишлари, бир жинслилар никоҳи, ўз жонига суюқасд ва бошқа кўплаб муаммолар илдизи қаерда ўз поясидан ажралганини якқол кўрсатади.

4. Ижтимлий ҳаётда кўнгилочар тадбирлар, тунги клублар фаолиятига эркинлик берилиб, аксарит ёшларнинг умри бекорга совурилмоқда. Аждодлар шам ёруғида илм олишга интилган, бўш вақтларини яссавийхонлик, атторхонлик, румийхонлик, машрабхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик қилиб ўтказганларки, шундай гўзал тунги маърифий мажлисларни жонлантириш, аҳоли орасида тарғиб этиш билан маънавий қадриятлардан бирини тиклаш имконияти бор.

Манба ва адабиётлар рўйхати.

1. Бертельс Е.Э. Избранные труды: Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965;
2. Хисматулин А.А. Суфийская ритуальная практика: На примере братства накшбандийа. СПб., 1996.
3. Эрнст К Суфизм. – М.: 2002.
4. Наср С.Х. Исламское искусство и духовность. – М.: 2009.
5. Степанянц М.Т. Исламским мистицизм – М.: – М.: 2009;
6. Смирнов А.В. Великий шейх суфизма: Опыт парадигмального анализа философии Ибн Араби. – М.: 1993;
7. Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма (генезис и эволюция). – М.: 2009.
8. Baker Patricia L. Islam and the Religious Arts / Patricia L. Baker. – New York, Continuum, 2004;
9. Gabrieli Francesco. Religious Poetry in Early Islam / Francesco Gabrieli // Gustave E. von Grunebaum, ed., Arabic Poetry, Theory and Development. – Wiesbaden: Harrassowitz, 1973. – Pp. 1-17; Listening to Music. Teachings of Sufism. Selected and translated by Carl W. Ernst. – Shambala. Boston & London, 1999. – Pp. 95-117.
10. Neubauer E. Arabic Writings on Music: Eight to Nineteenth Centuries / E. Neubauer // The Garland encyclopedia of world music. – New York, 2002. – VI. The Middle East. – Pp. 363 – 385
11. Shehadi F. Philosophies of Music in Medieval Islam / F. Shehadi. – E.J. Brill, Leiden, 1995; Pp. 161-180.
12. Shiloah A. Music in the World of Islam. A Social-Cultural Study / A. Shiloah. – Wayne State University Press. Detroit, 1995.
13. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Мойда сураси, 87-оят.
14. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Зумар сураси, 23-оят.
15. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввув ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 232.
16. Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. II-жилд. – Б. 162.
17. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон: М.Аъзам, И.Нуруллоҳ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбaa ижодий уйи, 2019. – Б. 440.
18. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). – Б. 441.
19. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Бақара сураси, 225-оят.



20. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Рум сураси, 15-оят.
21. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ёсин сураси, 55-оят.
22. Имом Табарий. Тафсир. – Б. 328.
23. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Луқмон сураси, 6-оят.
24. Саййид Муҳаммад Ҳусайн Табогабоий. Тафсийрул-Мийzon. 16-жилд. – Б. 313.
25. Аминул Ислом Шайх Табарсий. Мажмаъул баён фий тафсийрил Қуръон. – Б. 490.
26. Шайх Абду Али ал-Арусий. Тафсири Нур ас-Сақалайн. 4-жилд. 5-ҳадис. – Б. 194.
27. Саййид Мужтабо. Талабалар рисоласи. 640 шаръий саволларга жавоблар. – Б. 171.
28. Аҳмад Шармхоний. Инсон. Фино. Мусиқа. – Б. 14.
29. Джумаев А.Б. Ислам и музыка // Музикальная академия. 1992. № 3. – С. 24-25.
30. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1991. – С. 84.
31. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Никоҳ китоби. 5162-ҳадис. – Б. 425.
32. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Никоҳ китоби. 5143-ҳадис. – Б. 419.
33. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Исро сураси, 36-оят.

КОНСТИТУЦИЯ-ХАЛҚИМИЗ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ ЮҚСАК НАМУНАСИ.

Гулчехра Рустамова

Наманган вилоят Чуст туман 3-сон касб-хунар мактаби хуқукшунослик фани уқитувчиси

Ушибу мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланганги ва ушибу юзасидан қабул қилинганётган меъёрий-ҳуқуқиий ҳужжатлар ижросига тўхталинган.

Калим сўзлар: Конституция, қонун, фуқаро, ҳуқуқ, эркинлик, ҳаракатлар стратегияси, демократия.

THE CONSTITUTION IS A HIGH EXAMPLE OF POLITICAL AND LEGAL CONTEMPLATION OF OUR NATION.

Gulchehra Rustamova

Teacher of law at Chust District Vocational School No. 3

This article focuses on the strengthening of personal rights and freedoms of citizens in the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the implementation of regulations adopted in this regard.

Keywords: Constitution, law, citizenship, rights, freedoms, action strategy, democracy.

КОНСТИТУЦИЯ – ЭТО ЯРКИЙ ПРИМЕР ПОЛИТИЧЕСКОГО И ПРАВОВОГО МЫШЛЕНИЯ НАШЕГО НАРОДА.

Гулчехра Рустамова

Преподаватель права в Чустском районном профессиональном училище № 3.